

HAZINIY HOKANDIY
LIVING LEGEND OF FERGANA VALLEY
HIS LIFE AND LITERARY WORKS



**THE MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY
SPECIALIZED EDUCATION OF THE REPUBLIC OF
UZBEKISTAN**

FERGANA STATE UNIVERSITY

TRANSLATER **Ahmedova M. I. teacher of Fergana state university**

SCIENTIFIC ADVISERS

Solijonov S.A., Candidate of philological sciences, dotsent, Fergana State University.

Alimov Sh., Candidate of pedagogical sciences, dotsent, Andijan State University.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТАРЖИМОН

Ахмедова Матлуба Ибрагимджоновна, “Инглиз тили ва адабиёти” кафедраси ўқитувчиси, Фарғона давлат университети.

ТАҚРИЗЧИЛАР

Солижонов С.А., ф.ф.н., доцент, Фарғона давлат университети

Шарофиддин А., п.ф.н., доцент, Андижон давлат университети

Ушбу рисола (Haziniy Nokandiy Living Legend of Fergana Valley His Life and Literary Works) Фарғона давлат университети Илмий Кенгашида тасдиқланди.

2018 йил 06. № 10 сонли баённома

Филология фанлари номзоди Отабек Жўрабоевнинг “Хазиний девони” номли китобидан таржима қилинди.

Preface

Haziniy Hoqandiy was the soul of the Uzbek nation and made great contributions to the Uzbek literature. His works were full of spiritual value and great emphasis made on human perfection. His poems have been depicting the ancient and eternal truth of life, bringing people to the view of worthiness, criticizing injustice, ignorance, hostility and evil.

Our president Shavkat Mirziyoyev paid great attention to developing and promoting Uzbek language and its culture to the world. The president of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev emphasized the term “educational Islam” in his several speeches. It wouldn’t be mistaken, if we call sheikh and poet Haziniy a great figure of Uzbek classic literature and educational Islam. The interest on his literary heritage began from the beginning of 20th century. During the former Soviet period, only some sample poems of the Haziniy were included in the history of Uzbek literature.

The honored teacher of Uzbekistan, literary critic Polat Qayumov revealed short information about the poet and some pieces of the poet’s works in his book “Tazkirai Qayumiy”. Unfortunately, Haziniy’s life and literary works were not investigated till the Independence of our republic.

On the contrary, under the ideological pressure during the former Soviet Union the literary heritage of the poet was approached inobjectively and discriminated. However, the independence returned us Haziniy as many other great ancestors of our country.¹

Haziniy’s life and literary works were translated initially into English language. The manual was translated by group of students: Nurmatova G., Fotima G’aniyeva F., Roziboyeva R., Sultonova K., Mirzaolimova M., Tolipova S., Mahmitova N., Abdulhamidova M., Nematov J., Nurmatova O., Karimova M.,

¹Translated by Gulbahor Nurmatova

Usmonova T., Nurmatova M., Yunusova N., Rozimatova M., Mamatkholiqova T., Boltayev A.

The book aims to develop intercultural relationships of Uzbekistan, to study Uzbek language and literature, its historical roots and transmit the masterpieces of Uzbek language to the European countries and the manual can be used as useful resource for touristic purposes.

Сўз боши

Миллатимиз қалби ва адабиётимиз хазинасидан муносиб ўрин олган руҳпарвар асарлар соҳиби Ҳазиний Хўқандий ижодининг асос ғояси маънавий юксаклик – инсон камолотини куйлаш эди. Унинг шеърлятида азалий ва абадий ҳақиқатнинг тараннуми халқни эзгулик сари чорлаш, жаҳолат, адоват, адолатсизлик ва ёвузлик каби иллатларни қоралаш тарзида намоён бўлади. Ўзбекистон Республикаси президенти Шавкат Мирзиёев ўзбек адабиётининг мумтоз асарларини чет тилларга таржима қилиш ва дунёга танитиш борасида Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти институтини ташкил этишдаги қарорида алоҳида эътибор берган. (№2976, 13 Май, Тошкент 2017 йил). Шу билан бирга президентимиз ўзининг бир неча маърузаларида “маърифий ислом” иборасини қўлади. Шайх ва шоир Ҳазинийни ҳам айнан маърифий ислом ва мумтоз адабиётимизнинг улуғ сиймоларидан биридир десак янглишмаймиз.

Унинг адабий меъросига бўлган қизиқиш ва эътибор шоир ҳаётлик даврида, аниқроғи, XX аср бошлариданоқ бошланган. Собиқ мустабид шўро даврида шоир шеърларидан бир неча намуна бир мажмуага киритилган, холос. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, адабиётшунос Пўлатжон Қаюмовнинг “Тазкирайи Қаюмий” асарида ҳам Ҳазиний ҳақида қисқача маълумот ва шоир асаридан намуна берилган.

Бироқ, Ҳазиний ҳаёти ва ижодининг тадқиқи, асарларининг нашри истиқлолгача бўлган даврда юзага келмади. Аксинча, собиқ Иттифоқдаги мафкуравий тазйиқ туфайли бу даврдаги илмий ва бадиий адабиётларда шоир адабий меъросига ноҳолис ёндашилди, камситилди. Аммо, ватанимиз мустақиллиги том маънода кўплаб бошқа улуғларимиз каби Ҳазинийни ҳам халқимизга қайтиб берди дейиш ўринлидир.

Ҳазиний ҳаёти ва ижодиик бор инглиз тилига “Таржимонлик маҳорати” тўғараги фаолияти доирасида бир гуруҳ талабалар билан биргаликда таржима қилинди: Нурматова Г., Ғаниева Ф., Рўзибоева Р., Султонова К., Мирзаолимова М., Толипова С., Махмитова Н.,

Абдулхамидова М., Неъматов Ж., Нурматова О., Каримова М., Усмонова Т.,
Нурматова М., Юнусова Н., Рўзиматова М., Маматхолиқова Т., Болтаев А.

Мазкур рисола Ўзбекистоннинг маданиятлараро алоқаларини
ривожлантиришга ҳамда ўзбек мумтоз адабиётини Европа мамлакатларига
танитишга хизмат қилади.

Шу билан бирга Ҳазиний ҳаёти ва ижодини инглиз тилида ёритишдан
мақсад, Фарғона вилоятида туризм соҳасининг ривожланишига ҳисса
қўшишдир.

Асар таржимаси бўйича барча фикр ва мулоҳазаларни мамнуният
билан кутиб қоламиз.

Researching life and literary activities of Haziniy



The full name of the poet is Ziyovuddinkhan Doniyolkhan. He was the son of Kattakhoja Haziniy tora Eshoni Hoqandiy. He was born in June, in 1867, in the village of Katta Kenagas near the city of Kokand. (At present, the village is located in Uchkoprik district of Fergana region).

It is fair to say that, some wise poems of his father survived till today. Besides there are documents and facts informing about, Haziniy's ancestors belonged to the dynasty of the prophet Muhammad (May blessing and peace be upon him).

According to the documents, ten ancestors of the poet were the great philosophers and erudite people of that time.

In some poems, Haziniy remarked on his dynasty. He got initial knowledge by his father. Afterwards he carried his study on madrasa "Jome" (Now it is situated in "Chorsu" square of Kokand city as an ancient monument). Haziniy possessed both religious and mundane knowledge. He was deeply engaged in Sufism.²

Caliph Muhammad Hakimkhan (1815-1897) had an important role in the life of poet. Caliph Muhammad Hakimkhan was a great leader of Tarikat in his time. Caliph Hakimkhan got initial education from Sheikh Shahsalim Turgakiy. After coming back to Kokand, he taught Sufism to the followers. But, because of his dominant education on Sufism, he explored Ahmad Yassaviy's work "Hikmat" (Wisdom) and, studied poetry. Haziniy attended the dervish hall of caliph

²Translated by Fotima G'aniyeva

Hakimkhan who was leader of majzubis, Haziniy got benediction of caliph Hakimkhan. Hakimkhan Ishan inspired Haziniy to write poems. Hakimkhan wrote elegy for his death. In the elegy, the poet clearly described that he got benediction of caliph Hakim when he wrote elegy devoted to his master.³

In his poem, Haziniy mentioned the date as the following according to Muslim's calendar the year of the monkey (hijra calendar 1314) the fifth day of Ramadan month the first Sunday during ten days of Ramadan hijra 1314, 1897 AC the seventh days of February. On that day, Ziyovuddinkhan got permission to be the master of the right path (the saint's permission) and as a symbol of the master Haziniy got a turban and a yellow robe. At the last couplet of the poem, Haziniy mentioned about that day as the following:

The history in 1314 to place I was thirty years old, when I got permission from the saint.

According to this poem, we concluded that Haziniy was born 1867. To sum up, this valuable historical elegy was written in 1900 and gives us information about biography of Haziniy. (During those three years, the younger brother of Hakimkhan came back to Fergana after studying Islam religion for 29 years in Balkh, Iran. He also devoted some of his poems to Abulkasimkhan who was "Vallamat of hajji" (hajji ul-valiy). Some other facts also prove our suggestion.⁴

In this case, other facts can prove our thoughts. For instance, caliph Khakimkhan gained great respect among people. Therefore, several poets wrote elegies devoted to him.

1. Husayinkul Muhsuniy (1860-1917) "Marsiayi Tarix" (The history of Elegy)
2. Sulymonkul Roajiy "Tarixi vafoti Caliph Khaqandiy" (Historical elegy devoted to Caliph Hakim Eshon Hokandiy"

³ Translated by Rohila Roziboyeva

⁴ Translated by Kamola Sultonova

3. Fidoiy Hokandiy (the second half of 19th century and the beginning of 20th century) “Tarixi vafoti Muhammad Khakim Khalifa Marhum”, “The History of late Muhammad Caliph”.

The death date of Caliph Khakimkhan was mentioned as 1314 hijriy (Arabic pertaining to the hijra Calendar) or mentioned in the couples of verses by Husayinkul Muhsiniy, Sulaymonkul Rodjiy and Fidoiy Hokandiy. Afterwards, Master Haziniy also wrote other poems about saint Khakimkhan apart from his elegies.

The perfect paradigm of this, the poem containing the following couples “If you ask me about my saint’s background, he belonged to dynasty of Prophet Muhammad (may Allah have mercy on him).

On top of this, there was spiritual relationship among the works of Haziniy, Khakimkhan and Majzub, including, the following information was about Majzub who was one of the educating salafs (followers) Master Ziyovuddunkhan’s “People who follow Mazjub were named Mazjubies”. There are several “Sakiynoma”s in the Divan. Mazjubiys read the sakiynoma with special method of reading⁵.

Pirimni amrini tutmayki, man yo’ldan ozib holo

Ki, majzubxonligu raqsu sa’mosidan adashganman.

By saying this, he acknowledged dance. Ziyovuddinkhan was also a pleased voiced singer and musician, composed music to his poems and he sang songs with tambour in different ceremonies and meetings. Moreover, Haziniy was considered as a singer who read poems in sorrowful style.

Anyway, such kind of sources prove that the works of Haziniy were performed in Sufi meetings and other ceremonies.

⁵ Translated by Maftuna Mirzaolimova

Doubtless, Caliph Khakimkhan had a crucial role in the education of young Ziyovuddinkhan. This was the foundation for Haziniy in his becoming a poet and sheikh, the leader of Tarikat.⁶

*Ikki olam murodiga yetay deb orzu qilsang,
Haziniy, rohi Bog'dod aylagil shomu saharlarda,-*

Initially this couplet tells us about Haziniy's grave located in Bagdad town. At the same time, the other two reasons indicates that he was the man of Sufism. The first reason is the background of the poet; his lifestyle was like true followers of the Prophet Muhammad Mustafa. The second reason is that his ancestors belonged to Tarikat. Polat Qayumiy's memoirs acknowledge Haziniy rebuilt his father's dervish hall who had been Sufi. Soon, he gained high reputation among the public and people addressed to him "Haziniy To'ra" and "Ishanbuva".

Ziyovuddin Haziniy was not only a master but also he kept his house by farming. He did his best to help people, actively participated in construction works. For example, he cultivated 64 hectares of sandy ground in Chopdor village; Bagdad town of Fergana region. Haziniy also built a pond in the central part of the garden, put a mill and constructed other buildings. Besides, this admirable place serves as a sandy resort for curing various diseases. The poet named the place "Registan".

He always walked to Registan from his village Kenagas (distance was 22 km). For reasons, that resort was destroyed in 1943.⁷

⁶Tranlated by Sayyora Tolipova

⁷Translated by Nasiba Mahmitova



According to the statements of Witnesses, all people who participated in destroying fruit orchard became disabled. Therefore, people frightened to ruin the garden and hesitated. The pond and some parts of the orchard were kept.

Thanks to the 125th anniversary of Haziniy, the fruit garden was restored. Haziniy was generous, modest and a person who shared all the pod. The elderly people remembered him as well-natured, pleasant person who always wore white clothes, yellow robe, galoshes. In “Tazkirai Qayumiy”, he was described as tall, white-faced, bearded, gorgeous, neat person. He had two sons and five daughters. His elder son is Asliddinkhan and second son is Sotiboldikhan (1922-2005). Sotiboldikhan cared about Haziniy’s mausoleum and orchard.



After the independence of Uzbekistan, the government has protected the mausoleum, temple and other historical, architectural monuments belonging to Haziniy situated in Kenagas village.

The house-museum of Haziniy has been functioning since 1992. Today many people visit this sacred place and fruits of the orchard are distributed as a charity.⁸

The poems of Haziniy consist of manuscripts and lithographic works. We provide readers with short information about the sources, because of the fact that, we have stated about these sources and their publication in our researches.

Researching and interpreting the sources and reflecting Haziniy's works and the processes of preparing his works for publication were considered as the main task of the research. In this case, we made a comment on the more complicated aspect. Obviously, the collection composed by the poets of classic literature is significant source in studying their literary heritage. There exists information that Haziniy was also the owner of "Divan" (the collection of poems). He implied about it in the following couplet:

- 1) *Naylayin, ohu fig'on etmoqdin chora yo'q,*
To, Haziniy, bitmasam vasfiga Devon o'xshamas.
- 2) *Tab'i noqis, aqli ko'tahdur Haziniy duntab',*
Bo'yla idroku farosat birla devonim qalay.

In the couplet, written full of wish humility the poet wished to evaluate his collection by readers. However, the Divan disappeared after the poet's death in 1939. His elder son Asliddinkhan kept the only copy of the Divan designed with golden letters. Asliddinkhan became the victim of Russian repression on the reason that he was the imam of Dashtmozor village (the village located in the northeastern part of Katta Kenagas, Kokand city). Unfortunately, research works have not

⁸ Translated by Mohinur Abdulhamidova

revealed the Divan yet. Therefore, Haziniy's collection was composed on the basis of his manuscripts and publications such as historical works, collections.

Tens of manuscripts have been the sources of Kokand and Tashkent poetry collection. Many publishers approached to his works with great respect. You can find this great respect as they addressed to Haziniy "Haziniy toram"⁹, "Haziniy tora" and "Ghazals of Ishan"¹⁰ Haziniy" and titled the books with these names.

It is necessary to remember the publishers who copied Haziniy's poems: Mullah Abdusalom Umar, Muhammad Yunus, Mullah Nazir, Abdulla Nasimiy Hoqandiy and other assistants whose names were not defined so far.¹¹

Haziniy's literary heritage survived till today due to their attempts, especially we should acknowledge the name of the national poet, the honored calligrapher of Uzbekistan Charkhiy (1900-1979). The great popularity of Haziniy's works served to become widespread among the cities of Turkistan, and becoming his manuscripts top-publishing works of the publishing houses at the end of 19th century. It is obvious that publishing was important innovation at that time in the cultural life of the country.



⁹Tora- is the characteristic description of a person belonging to Prophet Muhammad Mustapha's dynasty.

¹⁰Ishanis the characteristic description of a person belonging to Prophet Muhammad Mustapha's dynasty.

¹¹Translated by Jasur Nematov

Many valuable manuscripts spread widely in lithographic style. Therefore, the poems such as "Bayazi Haziniy" and other sources published in the lithographic style are integral part of the literary heritage, which survived till today. "Bayazi Haziniy" was published 8 times in Tashkent publishing houses during 1910-1915-years. The first edition was published Gulom Hasan Orifjonov and some of them were published in Portsev and Lakhtin publishing houses. They are of great importance in informing us some points of poet's works. Those books had been published when Haziniy Hokandiy was alive. Therefore, not only his poems are considered as valuable source, but also the most important informing source about his life. The sources inform us about poet's status in the society, the attitude of literary critics and some of events his life stories. It is confirmed that those books were an example of the success of the Uzbek literature at that time. The success was gained by sequential edition and became one of favored books of Uzbek people. The majority of his poetry from 19 to 36 are included in this book.¹²

Additionally, we can say none of writer's literal collections of that period, were not published so many times, except Haziniy. We can conclude the need for Haziniy poetry was considerably higher.

Unfortunately, the author did not participate in the process of publishing, but Haziniy often travelled to Tashkent and he was in close contact with literary and art society. In accordance, the editors of his collection also were in close contact with the poet. The poem's order and their quantity in the collection were published without any change. The editors Sirojiddin Mahdum Shevan-Shavkat, Mullah Yusuf Rojiiy, Mirzo Akhmad, Kami Shoshi, Mukhammad Rasul, Mullah Kamol Tashkhandi and Mullah Muhammad Zufar published collection "Bayozi Haziniy" in 1910-1915. One of the reasons of publishing for several times and spreading widely the collection was that, the edition of that time did not support large quantity. Each edition was not over 5000-6000 copies in lithography print publication. Only some editions reached rarely to 1000 copy-edition. At that time

¹²Translated by Odina Nurmatova

lithographic copies rubbed off after publishing 500-600 series. Therefore, many editors published the same work for several times in a year.¹³

It is important to acknowledge the name of Sirojiddin Mahmud (Sidkiy Hundaylikiy, 1884-1943) who contributed to recopying the collections of poems of Haziniy. However, the collection seemed to appear the same, but if we study them thoroughly we can see unique peculiarity of each collection. At the beginning 20th century nearly 20 lithographic collection were published and those publications also included Haziniy's works such as "Bayozi Hoji Sobiriy", "Bayozi maa gulshani ashor", "Devoni Muqimi maa hajviyot", "Tuhfat ul obidin va anis ul-oshiqin", "Armugoni hislat" give us valuable information about the art of song written at the beginning of 20th century. Obviously, the collection contains the song texts and the melody of Mulla Tuychi singer's repertoire. The collection acknowledges that Kamiy composed music for Haziniy's ghazals. "Yo hayot an-Nabiy" (Live Vallamat) and Shavkat composed "Kokand melody" music. It should be noticed, "Yo hayot an-Nabiy" was a very famous song among people. For instance, prominent Uzbek novelist Oybek gave the detailed description about the popularity of that song.

One of the Uzbek prominent writers Gafur Gulom also mentioned about the popularity of the song in his popular novel "Shum Bola" (Naughty Boy). The main character "Shum bola": I enjoyed drinking tea by listening to "Yo hayot an-Nabiy" from Hamroquliy's gramophone.

Poetry: ideology and artistic world, literary impact

Ziyovuddinkhan tora wrote poems under the pseudonym of "Haziniy", "Hazin" (sorrowful), Polat Kayumov keeps us informed about poet "He was recognized as noteworthy poet and sheikh in 1904". He achieved high respect of people, his inspirit works brought him fame.

13 Translated by Mohina Karimova

“In Haziniy’s works the main subject is praising highly human beauty and love, teaching Islamic faith and cleanliness, being in piety and devotion, being true person, being patient and kind. Poet considers human’s cultural wealth is honorable and he wishes them eternal bliss: “I wish whoever born to be fortunately”¹⁴.

The late literary professor Abdurashid Abdugafforov emphasized the above mentioned characteristics: “Haziniy’s poetry therefore gained great success among population”.

Haziniy considered as the last poet of classic Sufism. The period when he lived was complicated and conflicting, but it presented many talented poets. The notable writers Muqimiy, Furqat, Muhyi, Zavqiy, Muhsiniy, and Mohair lived in Kokand at that time.

There arises question, is there difference in the poetry style of Haziniy from other poets’ works? His poems and ghazals also keep religious content, and express alive educational cultural value, the model of eternal beauty – as magnifying the human, as beloved person missing the beauty of Allah. But, how he expressed those feelings? The similarity of works of the classic literature representatives’ are not that they described the same subject, but the very same subject was described in different contents, and in colloquial style.¹⁵

Haziniy wrote in seven classic genres. They are ghazals (121), quatrains (12), pentagons (27), hexagons (12), a poetry style (where each couplet has a different rhymes) (1), Tarikh and lone (3). Definitely, the majority of his works were presented in the forms of ghazals. They were composed of five couplets to fifteen couplets. According to formal poetry, his ghazals were divided into “simple ghazals”, “ghazals-terset” and “ghazals stanza”. The poems were composed with plot. According to poetic classification, most of his ghazals are examples of

¹⁴Кимкелибдурбудунёгабулмасунбахтикаро.

¹⁵Translated by Tahmina Usmonova

“yakpora ghazals”. Meaning that ideological thematic traditions, poems were amorous, moral-educational, religious and satirical ghazals. All of the poet’s pentagons were written in tabihud style (tabihud is a style of poem devoted to one theme). The hexagons of the poets have educational characteristic. As well as, there were memoirs, which was devoted to historical events and one incomplete masnaviy (a style of poetry where each couplet has a different rhyme). The concept of ideological topics of Haziniy’s works were classified into:

1. Religious-social: the belief in Islam or Tawhid (monotheism), patriotism, humanism and educational;
2. Sufism: the education of Tarikat and romantic;
3. Lyric poetry.¹⁶

It is worthy to acknowledge Haziniy as the model of spiritually perfect follower at the beginning of the twentieth century. A number of Haziniy's works describe the same idea of Oriental classic literature, which consists of the concept of describing Allah. In the series of poems he addressed as following, "So Tawhid Jami delighted Islam¹⁷", "Forgive my sin", "This is God of worship", "Oh, Allah", "Honoring Muhammad Mustafa¹⁸", "Oh life, pray your Vallamat¹⁹", "Praises for Rasulullah²⁰", "Never do", "Loss", "Listen", "In this world and the next...". Haziniy’s works comprise the idea of love and blessing to Rasulullah, praise and pray for Allah in his ghazals, quatrains, muhammas²¹ highlighting belief and tawhid. Haziniy as a religious poet inspired people believe in Allah’s grace, love Allah, but not frighten with various horrors.

The poet also called people praying to Allah, decorating the register of one’s deeds kept by angels with good actions, and achieving happiness into this world

16. Translated by Mavluda Nurmatova

17. Tawhid Jami – is Islamic concept. Tawhid – is the religion’s central and single-most important concept, upon which a Muslim’s entire faith rests.

18. Muhammad Mustafa-is the last Islamic prophet.

19. An-nabiy- vallamat is one of qualities of Prophet Muhammad.

20. Praise for Rasulullah-means Тасаддук, ёРасулуллах.

21. Muhammas is the poem consisting of five lines.

and the next, for being innocent in the last Judgment day. The simple and neat poems of Haziniy are rich in deep ideological content.²²

The same facts show that Haziniy was a model for other followers as a fine and well-balanced person. We can read about events of his life in his poems. For example, once Haziniy went somewhere with his friends. They travelled by Kokand aroba²³. When they arrived, one of them could not jump. Haziniy got him out of the aroba. One of his friends reproached him for in appropriate action, as he was much respected man. Haziniy told him that it was unwarranted blame and explain the situation in the poem:

*“You are not faith person without generous heart, and you are not Muslim by faith without enthusiasm, I felt no anxiety dead that I became disrespected among nation”.*²⁴

We can come across with the words such as “worship” “praying to Allah” “piety and devotion²⁵” in the poet’s poems. For instance, Haziniy, the master of Islam religion had in view not only praying rules, but also he emphasized their spiritual enlightenment essence. In addition, Prophet Muhammad (May blessing and peace be upon him) had a hadith: “Education better than pray and it is a pillar of the religion”. The true person Imam Gazzoliy, Hujjat-ul-Islam also stated about that hadith: “My son, the aim of getting knowledge is to understand the essence of piety and devotion. You should know that piety and devotion comprise following the sharia (Islamic law) in being kind and sympathy for others, appreciating beauty and ugly manner, halal and haram” As stated above the poet desired the sincerity and purity of soul. As following: “Oh Allah, lighten our soul with worshiping”. It is of course good intention.

The main idea of Haziniy’s poems has always been reaching dignity, respecting high humanistic values and achieving spiritual perfectness. It is obvious

22 Translated by Nafisa Yunusova

23 Aroba was a coach with high and big wheels

24 Translated by Mukxlixa Rozimatova

25 Piety and devotion-тоат -ибодат

that Sufism was the main important theme in his works. Tarikati Kadiriya direction developed on the basis of Gavsul Azam's behest gained high prestige in our country at that time.

The prominent people of that time belonged to the society of Tarikati Kadiriya. For instance, famous poets of Kokand Furkat (1859-1909) and Mirmuhammad Kadiriyy (1828-1906) were the main members of the society. The poet Haziniy was one of the followers of Tarikati Kadiriya direction and considered as "Sheikh". As sheikh and poet, he called people to be educated and trusted in reaching spiritual perfection by piety and devotion.

He was the leader of Tarikati Kadiriya in that time and worked with followers. In addition, that he called his followers to the true way for Muslims. He explained the idea of Tarikati Kadiriya in his both prose and poetry.²⁶

In general, Haziniy was well-known representative of Uzbek classic literature at the beginning of 20th century. Moreover, his works have great scientific educational importance.²⁷


The aim of translating Haziniy's life and works into English language was promoting classic works of Uzbek literature into the world. The authors of the book will appreciate suggestions from specialists.

²⁶Translated by Tohtakhan Mamatkholiqova

²⁷Translated by Abbos Ali Boltayev



Ҳазиний Хўқандийнинг ҳаётиваиждо



Шоирнинг тўлиқ исми Зиёвуддинхон Дониёлхон (Каттахўжа ўғли)Ҳазиний тўра эшони Хўқандийдир. У Қўқон шаҳрига яқин (ҳозирги Фарғона вилоятига яқин Учқўприк туманига қарашли) Катта Кенагас қишлоғида 1867-йил июн ойида таваллуд топган. Таъкидлаш жоизки, унинг отаси қаламига мансуб бир неча ҳикмат тарзидаги шеър ҳам етиб келган. Шоирнинг аждодлари насл-насаб жиҳатидан ҳазрат пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в)га бориб уланишини тасдиқловчи шажаравий ҳужжатлар мавжуд. Улардан маълум бўлишича, аждодларидан ўнлаб кишилар ўз даврининг етук ориф ва фозил инсонлари бўлганлар. Шоирнинг баъзи шеърларида ўз насабига нисбатан ишора.

Масалан:

Оли Аббосий Ҳазиний саййиду содотдур,

Ким дегай ҳолим кўруб насли Ҳошим мани

Бошланғич таълимни ориф ва зиёли отасидан олган Зиёвиддинхон кейинчалик Қўқондаги «Жоме» мадрасасида таҳсилни давом эттиради. (Бу мадраса ҳозирда тарихий ёдгорлик ва шаҳар маркази - «Чорсу» майдонида). У диний ва дунёвий билимларни пухта эгаллаш билан бирга тасаввуф таълимоти билан чуқур шуғулланган. 1923-йили 56 ёшида шу ерда вафот этган.

Соли ҳамдуна, даҳа моҳи шариф, якшанба кун,

Раҳбарим иршоду салла, бердилар бир малла тўн,

Жон берай мандин у кун бўлган ризонинг ҳажрида

Остига чизилган мисра, яъни маймун йили, рамазон ойининг биринчи ўн кунлигидаги якшанба ҳижрий йил ҳисоби билан 1314 йил рамазон ойининг бешинчи кунига; милодий йил ҳисоби билан эса 1897 йил феврал ойининг еттинчи кунига тўғри келади. Зиёвуддинхон айнан шу куни иршод (хидоят йўлига раҳнамолик қилиш) учун рухсат – пир ризоси ва унинг белгиси сифатида “салла ва бир малла тўн” олади. Мазкур шеърнинг сўнгги бандида яна шу санага урғу берган.

...Ерди тарих бир мингу уч юз ўн тўртда муқим,

Мен ризойи пир топгонимда ўттузда эдим.

1314 ҳижрий сана милодийга айлантирилганда таъкидланган - 1896/1897 йил келиб чиқади. Қатъий айтиш мумкинки, Ҳазиний шу йили 30 ёш бўлса, туғилган вақти ҳам аниқ 1867 йилдир.

Бизнингча, мазкур сана шеърда бежиз икки ерда келтирилмаган. Иккинчи бора кўрсатишдан шоирнинг муроди муттақосининг вафот санасини (яъни 1897 йилни) таъкидлашдир. Чунки мухаммас матнидаги олтинчи банднинг сўнгги, бешинчи мисраси масаласига ойдинлик киритади: “Йиғларам уч йил пиримга жоншифонинг ҳажрида”.

Демак, Ҳазиний тўранинг мазкур биографик жихатдан қимматли маълумотлар берувчи марсия-мухаммаси ёзилиш тарихи 1900 йилга тўғри келмоқда. (Инчунин, бу уч йил давомида Ҳакимхон халифанинг укаси, 29 йил Балх шаҳрида комиллик йўлида риёзат чекиб, сўнгра Фарғонага қайтган, “ҳожиди ул-валий” номига сазовор зот – Абулқосимхон вафот этганлиги ва шу муносабат билан янада чуқур қайғуда “ёш тўкканлиги” шу мухаммасида изҳор қилинган. Бу борадаги бошқа фактлар ҳам фикримизни тасдиқлайди. Хусусан, Ҳакимхон халифа ўз даврида халқ орасида юксак эҳтиром соҳиб бўлиб, унинг вафоти муносабати билан бошқа шоирлар ҳам марсия-тарихлар битган:

1)Хусанкул Муҳсиний(1860-1917) “Марсия-тарихъ;

2)Сулаймонкул Рожий(1871-1924)“Тарихи вафоти Ҳаким халифа эшон Ҳўқандийъ”;

3)Фидоий Ҳўқандий (XIII аср иккинчи ярими-XX аср боши) “Тарихи вафоти Муҳаммад Ҳаким халифа” марҳум номли шеърлари:

Уларда ҳам халифа Ҳакимхоннинг вафот санаси ҳижрий 1314йил эканлиги ё шеърӣ мисрага тизилган,ё абҷад ҳисоби билан таъкидланган.

Мавлоно Ҳазиний кейинчалик пири ҳақида таъкидланган марсиядан бошқа шеърлар ҳам ёзган. Мисол учун, “Пиримни аслин сўрсангиз, нури чашми Мустафодандур” дея бошланувчи ғазал.

Мажзуб, Ҳакимхон ва Ҳазиний ўртасида маънавий жиҳатдан чамбарчас боғлиқлик, узвий ришта-робита мавжуд. Қаюмий домла Зиёвуддинхоннинг маънавий салафларидан бўлган Мажзуб борасида, жумладан шундай маълумот келтиради: Бу кишига эргашувчиларни мажзубийлар дейиладур. Девонида бир айрим соқийномаси бордур ...Мажзубийлар ўз суҳлатларида шул соқийномадан махсус мақол ила ўқуб рақс этадилар.

Пиримни амрини тутмайки, ман йўлдан озиб ҳоло

Ки, мажзубхонлигу рақсу саъмосидан адашганман-

Дея мажзубхонлик, рақсу самони эътироф этган. Зиёвуддинхоннинг ўзи ҳам хушовоз хонанда ва созанда бўлган, шеърларига куй басталаб турли хил йиғин ва маросимларда танбур жўрлигида хонишлар қилган.

Ҳар ҳолда, бу каби манбалар Ҳазиний асарлари ҳам ўз даврида хонақоҳ сўфийларнинг йиғинлари ва бошқа маросимларида ижро этилганини исботлайди.

Шубҳасиз, Ҳакимхон халифанинг ёш Зиёвуддинхоннинг руҳий-маънавий дунёси шаклланишидаги беқиёс хизмати бор. Бу эса келажакда

Ҳазинийнинг шайх ва шоир, тариқат пешвоси – муршид мақомига етишига асосий омиллардан бўлди.

Икки олам муродига етай деб орзу қилсанг,

Ҳазиний, роҳи Бағдод айлагил шому саҳарларда,-

байтида, аввало, Шайх Абдулқодирнинг қабри Бағдод шаҳрида эканлигини таъкидлаган ҳолда ул зоти муборакнинг йўлида собитлиги ҳақида уқтирилмоқда. Шу билан бирга, яна бошқа икки жиҳат ҳам унинг тасаввуф эрларидан бўлишига муҳим сабаб эди. Бири, юқорида таъкидланганидек, Расулуллоҳ (с.а.в.) авлодларига хос равишда иймон-эътиқодини доимо пок сақлаганлиги; иккинчиси, унинг аждодлари ҳам силсилавий тариқат аҳлидан эканлигидир. П. Қаюмий ҳам тазкирасида Ҳазиний тўра отаси хонақохининг ўрнига янгисини бино этиб, эшонлик (пирлик) қилганини таъкидлайди (562). Тез орада у халқ орасида жуда катта обрў-эътиборга эга бўлиб, «Ҳазиний тўра» ва «Эшонбува» номлари билан атала бошланган.

Зиёвуддинхон муршид сифатида мурид тарбияси билан шуғулланиш баробарида деҳқончилик билан ҳалол кун кечирди. У ўз имкони доирасида халқ турмушини фаровон қилишга интилар, турли обондончилик ишларини амалга оширарди. Масалан, ҳозирги Фарғона вилояти Бағдод туманига қарашли Чопдор қишлоғи яқинидаги 40 танобча¹ келадиган қумлик ерни ўзлаштириб, боғ барпо этган. Боғ ўртасига катта ҳовуз кавлатиб, атрофига тегирмон ва бошқа бинолар курдиради. Яна, ушбу оромбахш жой қумга тушиб турли касалликлардан даволанувчилар учун маскан бўлиб қолган. Шоир бу жойни «Регистон» деб номлайди:

Мисли ул Вайс ул-Каран, чўлларда тутмишман ватан,

Ахтариб ҳар ким Ҳазинийни Регистондин топар.

У қишлоғи Кенагасдан Регистонгача доим пиёда қатнаган (оралиқ масофа 22 км). [Ушбу маскан баъзи сабабларга кўра 1943 йили бузилган]. Воқеага шоҳид бўлганларнинг таъкидлашича, боғни бузишда иштирок этган

киши кўп ўтмай ногирон бўлиб қолган. Шу сабабли кўпчилик ҳайиқиб иш пайсалга солинган. Ҳовуз ва унинг атрофидаги дарахтзорнинг бир қисми сақланиб қолган. Ҳазиний таваллудининг 125 йиллиги муносабати билан бу маскан қайта тикланди. Ҳазиний тўра топганини халқ билан баҳам кўрадиган, камтарин, олижаноб киши эди. Уни кўрган кексаларнинг эслашича, мулойим табиатли, нуроний чехра киши бўлиб, доимо оқ кийим, сариқ тўн ва ковуш кийиб юрган. “Тазкираи қайюмий”да шундай таърифланади: ”новча бўйли, оқ юзли, соқолли, кўркам киши эди”. Уикки ўғил ва беш қиз кўрган. Қайюмий домла: “вафотидан сўнг икки хотун ва ўғиллари қолди” катта ўғли Аслиддинхон ва Сотиболдихон (1922-2005) отаси вафот этганда бир ёшда эдилар.

Доимо халқ ва юрт қайғусида бўлган Сотиболдихон Ҳазиний тўранинг Кенагас қишлоғидаги қабр мақбараси ва унинг атрофида жойлашган чиллахона бошқа қадимий бинолар истиқлолдан сўнг давлат муҳофазасига олинган. Қишлоқда Ҳазиний уй музейи 1992-йилдан бошлаб фаолият юритмоқда.



Адабий мероси манбалари

Ўз даврида "шоири оташзабон" номини олган Ҳазиний шеърлари кўплаб қўлёзма ва тошбосмалардадир. Бу манбалар ва уларнинг матний хусусиятлари ҳақида тадқиқларимизда тўхталганимиз боис, бу ўринда қисқа маълумот билан чекланамиз.

Шоир ижоди акс этган манбаларни ўрганиш ва талқин этиш жараёнида улардаги асарлар матнини ҳозирлаш ишларига доимо бош вазифа сифатида қаралди. Бу ишда қийинчилик туғдирган бир жиҳатга бир оз тўхталмоқчимиз.

Маълумки, мумтоз шоирларимиз томонидан тузилган девон улар адабий меросини ўрганишда муҳим манбадир. Ҳазиний ҳам девон соҳиби эканлиги тўғрисидаги маълумотлар мавжуд. Унинг ўзи ҳам шунга ишора қилади:

1. Найлайн, оху фиғон этмоқдин ўзга чора йўқ,

То, Ҳазиний, битмасам васфига девон ўхшамас.

2. Табъи ноқис, ақли кўтахдур Ҳазиний дунтабъ,

Бўйла идроку фаросат бирла девоним қалай.

Камтарлик ва хокисорлик билан битилган байтда шоир ўз девонига ўқувчи баҳосини истайди. Аммо бу девон шоир вафотидан сўнг, аниқроғи, 1939 йили йўқолган. Мазкур девоннинг бирор нусхаси ҳануз топилмаганлиги сабабли шоир асарларининг манбаи сифатида, аввало, бошқа қўлёзмалар, сўнгра босма нусхаларга таяниб иш кўрилди. Булар:

1. Баёзлар. 2. Мажмуалар. 3. Мусаввалар. 4. Тўпламлар.

Зикр этилган ўнлаб қўлёзмалар Қўқон ҳамда Тошкент баёзчилик мактабига хос адабий манбалардир. Кўпгина қўлёзмаларнинг котиблари

Ҳазинийга жуда хурмат билан ёндашганлар. Буни битикларидан ҳам билса бўлади. Шоир асарларига "Ҳазиний тўрам", "Ҳазиний тўра" ёки "Ғазали эшон Ҳазиний" дея сарлавҳалар қўйилган. Шу ўринда Ҳазиний шеърларини кўчирган қўлёзма котибларини эслаб ўтиш керак: Мулла Абдусалом Умаржон, Муҳаммад Юнус котиб, Мулла Назиржон котиб, Абдуллажон Насимий Ҳўқандий ва яна манбаларда зикр этилмагани боис бизга номлари маълум бўлмаган котиблар. Улар Ҳазиний ижодий меросининг бизгача етиб келишида беқиёс хизмат қилганлар; айниқса, Ўзбекистон халқ шоири мохир хаттот Аскарали Ҳамрали ўғли Чархий (1900-1979) номини алоҳида таъкидлаш лозим.



Ҳазиний асарларининг ўз даврида жуда машҳурлиги уларни нафақат қўлёзмаларидан, балки XIX аср иккинчи ярмидан эътиборан Туркистон шаҳарларига кириб кела бошлаган матбаа нашраларидан ҳам ўрин эгаллашини таъминлади. Маълумки, ўша даврда матбаачилик ўлка маъданий ҳаётида муҳим янгилик бўлган эди. Кўплаб нодир қўлёзмалар тошбосма усулда кенг тарқала бошлади. Инчунин, “баёни Ҳазиний” ва бошқа тошбосма манбалардаги шоир шерлари адабий меросининг бизга қадар етиб келган узвий қисмидир. “Баёзи Ҳазиний” Тошкент босмахоналарида 1910-1915йиллар орасида маротаба чоп этилган. Дастлабки наشري 1328 /1910 йили

Гулом Ҳасан Орифжонов, баъзи нашрлари эса Портсев ва Лахтин матбааларида амалга оширилган. Улар шоир ижодининг айрим нуқталарини ёритиши билан аҳамият касб этади. Чуки бу китоблар Ҳазиний Ҳўқандий ҳаётлик даврида чоп этилган бўлиб, нафақат шеърлари балки қайсидир маънода муаллифнинг ўзи ҳақида ҳам маълумот берувчи манбалар сифатида эътиборга моликдир. Булардан шоирнинг жамиятда тутган мавқеи; ўша давр адабиёт аҳлининг унга қандай муносабатда бўлганлиги, ҳатто ҳаётининг айрим лавҳаларида ҳам илғаб олса бўлади. Айтиш мумкинки, бу китоблар ўша давр ўзбек матбаачилигининг мўъжаз намунаси бўлиш билан бирга ўзига хос ютуғи ҳамдир. Негаки, унинг кетма кет нашри тез фурсатларда халқ эътиборини жалб этди ва севимли китоблардан бирига айланди.

Ҳазинийнинг бу баёзлардан ўрин олган 19 тадан 36тагача шеърларининг асосий қисми такрорий. Улар ўзаро бир- бири асосида чоп этилган. Лекин, шуни ҳам айтиш керакки, ўша давр ижодкорларидан бирортасининг баёзи бунчалик кўп босилмаган эди.

Баёзлардаги шеърлар тартиби ва сонининг деярли ўзгармай чоп этилиши биринчидан охириги босмагача кўп ҳолда котибнинг инон-ихтиёридан дарак беради. Котиблик қилган Сирожиддин Маҳдум Шеван-Шавкат, Мулла Юсуфжон Рожий ва ноширлар Мирзо Аҳмад, Камий Шоший, Муҳаммад Расул, Мулла Камолбой Тошқандий ҳамда Мулла Мулла Муҳаммад Зуфар ўз ихтиёрларида бўлган кўлөзмалар асосида “Баёзи Ҳазиний” ларга тартиб беришган. Баёзнинг қайта-қайта, бунчалик тез босилиб, кенг тарқалиб кетишига сабаблардан яна бири ўша давр матбаа имкони бирданига кўп ададни кўтармаганлигидир. Тошбосмада босилган ҳар бир нашрнинг тиражи(адади) 500-600 нусхадан ошмаган. Камдан-кам ҳоллардагина бир нашрнинг адади 1000 нусхага борган. Ҳаттот томонидан ёзилиб тош қолипга ўтказилган матндан муайян нусха (кўпинча 500-600 атрофида) олингач, матн сийқаланиб ўча бошлаган. Натижада ҳаттот ўша матнини янгидан ёзиб берган. Айрим матбааларда бир йилнинг ўзида маълум бир асарнинг бир

неча ҳаттот қаламида қайта- қайта босилишининг сабаби ҳам шундадир. Қайта кўчиришдек заҳматли ишда етти бора Ҳазиний баёзига хуснихат билан котиблик қилган Сирожиддин Маҳдум (Сидкий Ҳондайликӣ, 1884-1943) номини таъкидлаш зарур. Гарчанд бу баёзлар бир хилдек туюлса ҳам, аслида, ҳар бирининг ўзига хослиги синчиклаб кузатишдан сўнг маълум бўлади. Яна "Баёзи Ҳазинийдан" ташқари XX аср бошларида чоп этилган йигирмага яқин бошқа тошбосма баёзларда ҳам Ҳазиний асарлари ўрин олган. "Баёзи Ҳожи Собирин", "Баёзи маа гулшани ашъор", "Девони Муқимий маа ҳажвиёт", "Тухфат ул обидин ва анис ул ошиқин", "Армуғони хислат", "Баёзи янги", "Маҳбуб ул-маҳбуб" каби тўпламлар шулар жумласидандир. Улардан бири - "Армуғони хислат" XX аср бошлари Ўзбек кўшиқчилиқ санъати ҳақида ҳам маълумот берувчи муҳим манбалардан ҳисобланади. Маълумки бу тўпламда Мулла Тўйчи ҳофиз репертуаридан жой олган кўшиқлар матни ва ижро этиладиган куйларнинг номлари кўрсатилган. Унда Ҳазинийнинг "Ё ҳаёт ан-набий" радифли ғазалига Камий (91-бет), "Ҳўқанда хониш" куйи; "Кел" радифли ғазал Хислат мухаммаси эса "Дилҳарош" куйи билан айтилиши таъкидланган. Таъкидлаш жоизки, "Ё ҳаёт ан-набий" (ғазалига мухаммас) кўшиқ ҳолида ўша даврда халқ орасида жуда машҳур бўлган. Мисол учун, атоқли адиб Ойбек "Қутлуғ қон" романидаги персонажлардан бири Фазлиддин хусусида тўхталганда бу ғазалнинг ўша даврда машҳурлиги ҳақидаги деталдан тасвир объектида асосли фойдаланган. Фафур Гулом ҳам "Шум бола" қиссасида бош қаҳрамон тилидан шундай ҳикоя қилади: "...граммафондан Ҳамрокул қорининг "Ё ҳаёт ан-набий" сини эшитиб, мазза қилиб чой ича бошладим".

Умуман олганда, XX аср бошлари ўзбек мумтоз адабиётининг атоқли намоёндаси бўлган Ҳазиний Ҳўқандий ижодий меросини ўзида жам этган ёзма ёдгорликларнинг илмий-маърифий аҳамияти катта.

Ижодиёти: ғоя ва бадият олами, адабий таъсир

Зиёвуддинхон тўра “Ҳазиний”, “Ҳазин” (мунгли, ғамгин) тахаллуслари билан шеърлар ижод қилди. Пўлатжон домла ҳам:

„... ниҳоят, ҳаётда... 1904 чи йилларда ривожли бир шайх ва шоир бўлиб шуҳратланди”, -дея маълумот беради. У халқнинг юксак эҳтиромига сазовор бўлди, ирфони ва бунинг илҳомида яратилган асарлари эса жуда кўплаб мухлис орттирди.

Инсон гўзаллиги ва ишқ-муҳаббатни улуғлаш, исломий иймон-эътиқод ва покдомонликни тарғиб этиш, тоат-ибодат ва одоб-ахлоққа, сабр-қаноат ва меҳр-муҳаббатга даъват Ҳазиний асарларида етакчи мавзу сифатида бадий юксак ифодасини топди. Шоир инсон қадр-қимматини шарафли деб билади, унга абадий бахт-саодат тилайди:

- Бу жаҳонга Ким келибдур, бўлмасун бахти қаро! ..

Шоирнинг шеърияти худди шу фазилатлари билан кенг омма дилига йўл топган”, - дея ҳақли таъкидлаган эди марҳум адабиётшунос, профессор Абдурашид Абдуғафуров.

Ҳазиний тўра айтиш мумкинки, энг сўнгги мумтоз мутасаввуф шоирларимиздан. У яшаган давр мураккаб, зиддиятли бўлиш билан бирга ижодкорлари ҳам кўп давр эди. Биргина ватани - Қўқоннинг ўзида Муқимий, Фурқат, Муҳйи, Завқий, Муҳсиний, Муҳаййир, Нисбатий каби ўнлаб эл тан олган қалам аҳли яшаган.

Хўш, Ҳазиний ижодиёти кўп сонли ҳаммаслақларидан нимаси билан фарқ қилади? У ҳам орифона мазмунда ва панд-ахлоқ мавзуида ўлмас қадриятларни тараннум этган, абадий гўзаллик намунаси - инсонни алқаган, ошиқ сифатида ёр ситаму ҳижронидан куйинган... Лекин ушбуларни қандай ифодалаган, бу мавзулар унинг қаламида қай даражада акс этган, қандай йўсинда шоир менлигини кўрсатган?.. Мумтоз адабиёт намояндаларининг ижодидаги мавзулар ўхшашлиги улар бир хил асарлар ёзганлигидан эмас,

бир хил мавзуда турлича мазмун ва бадиятга эга асарлар битганлигидан далолат. Асосий гап буни илму тафаккур воситаси ила илғай билишдадир.

Ҳазиний етти мумтоз жанрда қалам тебратган. Улар ғазал (121 та), мураббаъ (12 та), мухаммас (27 та), мусаддас (12 та), маснавий (1 та), таърих (3 та) ва фард (3 та). Кўриниб турибдики, шоир меросининг салмоқли қисмини ғазал ташкил этмоқда. Улар беш байтдан ўн беш байтгача бўлиб, формал-поэтик жиҳатдан "оддий ғазал", "ғазали мусажжаъ" ва "ғазали мувашшах"га ажратиш мумкин. Композициясига кўра эса анъанавий пароканда ва воқеабанд (сюжетли). Поэтик таснифга кура кўпгина ғазаллар "якпора ғазал"ларга мисол бўла олади. Ғоявий-тематик жиҳатдан анъанага кўра ошиқона, орифона, риндона, ахлоқий-таълимий ва ҳажвий ғазалларга бўлинади. Бошқа жанрдаги шеърлари - мураббаъ, мухаммаслари ҳақида ҳам деярли шундай дейиш мумкин. Шоир мухаммасларининг ҳаммаси "таъби худ" бўлиб, биргина тахмис Файзий мухаммасига тазминдир. Шоир мусаддаслари эса кўпроқ таълимий-ахлоқий ва маърифий характердадир. Шу билан бирга, тарихий воқеаларга бағишланган таърих ва бир тугалланмаган маснавийси ҳам бор.

Бу асарларга уларнинг ғоявий тематикасини мазмунан куйидагича таснифлаш мумкин:

1. Диний-ижтимоий: ислом эътиқоди ёки тавҳид, ватанпарварлик, инсонпарварлик ва ахлоқий, илм-маърифат.
2. Тасаввуфий-орифона: тариқат таълими, ишқий.
3. Лирика.

XX аср бошидаги муносиб давомчилардан бири Ҳазинийдир дейиш ўринли. Шоирнинг қатор асарлари Шарқ мумтоз адабиётининг фикр мағзи-ҳақиқий Ёр (Аллоҳ таоло) васфини куйлаш тушунчасидан айри эмас. “Ки, тавҳид жоми исломдин нўш этудук”, - дея эътироф этган туркум шеърларида, Жумладан, “Гуноҳим афв этиб”..., “Худога бандалик шудир...” , “Ё Раб “,

“Муҳаммад Мустафо шаънига...”, “Ё ҳаёт ан-набий”, “Тасаддуқ, ё Расулулоҳ”, “Қилмағил”, “Жудо”, “Эшит“, “Икки оламда эрурсиз...” каби ғазал, мурабба, мухаммасларида эътиқод ва тавҳид, Расулуллоҳга муҳаббат ғояси муножот, ҳамд ва наът тарзида келади. Ҳазиний ориф шоир сифатида халқни турли даҳшатлар билан кўрkitиб эмас, Аллоҳнинг лутфу карамига умид қилиб, уни севишга даъват этади. Ҳақ таоло ҳукмларини муҳаббат билан адо этишга чақиради. Шоир ҳам холис Аллоҳ учун ибодат қилишликни, яхши амаллар билан умр дафтарини безашликни ва шу билан икки дунё соадатига эришиб, махшар куни ёруғ юзли бўлиш мумкинлигини уқтиради. Шоирнинг бу содда ва равон мисралари чуқур ғоявий мазмунга эга.

Аввало, шоирнинг ўзи амали солих, хушхулқ киши сифатида ўзгаларга ўрнак бўлганлигини ҳаётига дахлдор айрим лавҳалардан кўриш мумкин. Унинг ижодида ҳаётини воқеъликлар билан боғлиқ жиҳатлар ҳам йўқ эмас.

Масалан: айпи пишиқчилик пайти. Бир куни Ҳазиний тўра жўралари билан бир жойга боради. Сафар Кўкон аравада бўлгани учун, манзилга етиб келинганча, ҳамма бир-бир сакраб тушибдию, бир оёғи ногирон киши тушолмай қолибди. Шу пайт тўра югуриб бориб, ҳалиги ногирон кишини аравадан тушириб қўйди. Турганлардан бири у зотга: "Кап-катта, обрўли одамсиз. Ўзингиздан кичикни кўтариб нима қилардингиз?"- деб дашном берди. Шунда Ҳазиний: "Маломат қилсангиз қилаверинг. Маломатда саломат"- деб кулиб қўя қолади.

Сиз ани одам деманг, кўнглида ҳиммат бўлмаса,

Балки иймони хатарлик анда ғайрат бўлмаса...

"Халқ аро расво бўлубман", -деб Ҳазиний ғам ема.

Шоирнинг бу тахлит асарларида «Ибодат», «Тоат», «Тақво» сўзларининг кўп такрорлангани ҳам киши диққатини тортади. Мисол учун «ибодат» калимасини қўллашда илми ирфон соҳиби Ҳазиний фақат рукний

амалларни назарда тутган эмас. Балки унинг маърифий моҳиятига урғу берган. Чунончи, Муҳаммад (с.а.в.) нинг «Илм ибодатдан афзал ва тақво диннинг устунидир» дейилган ҳадислари бор ва бу хусусда ҳужжат ул ислом Имом Ғаззолий (р.а.): «Эй фарзанд илм олишдан мурод тоат ибодат моҳиятига етишмоқдир. Билгилки, тоат ибодат яхши ва ёмон, гўзал ва хунук, ҳалол ва ҳаром ишларда, сўз ва амалда шариатга эргашмоқдан иборат» - дея таъкидлайди. Шунга кўра шоир қалб софлиги дил поклигини тилайди. Бу албатта гўзал ният. Бу ва бошқа юксак инсоний фазилатларни улуғловчи комиллик сари ундовчи ғоя шоир ижодининг мағзи - мағзига сингиб кетган. Зеро, Ҳазиний ижодида муҳим ўрин тутган, тасаввуфий- орифона мавзудаги асарларнинг мақсад ва ғояси инсон камолоти эканлиги аён.

Ғавсул-аъзам таълимоти асосида ривож топиб, катта нуфуз топган Қодирия тариқати бизнинг диёрларда ҳам катта мавқега эга бўлган. Мазкур тариқат аҳли орасида ўз замонасининг етук шахслари бисёр эди. Мисол учун, Қўқонлик машҳур шоирлардан Зокиржон Фурқат (1859-1909) ва Мирмахмуд Қорий (1828-1906) ҳам шу тариқатга мансуб эдилар. Ҳазиний тўра эса шу тариқат аҳлидан етишиб чиққан “муршиди Фарғона”, “шайх” номига мушарраф –валий зотлардан. У шайху шоир сифатида илм, тоат ва тақво одамни комиллик даражасига олиб чиқишига ишонч билдириб, инсонларни ана шундай эътиқодга чорлайди. Замонасида тариқат пешвоси бўлмиш бу зот шогирдлар тарбияси билан шуғулланган ва Аллоҳдан уларнинг гуноҳларини афв этмоқлигини сўраб илтижолар қилган.

Мақсадимиз Ҳазиний сиймоси ва асарларини инглиз тилига таржимақилиб, ўзбек адабиётининг мумтоз намуналарини дунёнинг бошқамамлакатларига ҳам танитишдан иборат бўлди. Ҳазиний ҳаёти ва ижоди илк бор инглиз тилига таржима қилинганини ҳисобга олган ҳолда мутахассислар фикрини кутиб қоламиз.



